

ЖАМИЛА ЭРГАШЕВА ҲИКОЯЛАРИДА ЮМОР (“ЎЛИМ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)

Рушана Зарипова

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети таянч докторанти*

Ҳикоянависликдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ўрганиш, уларнинг савиясини белгилаш, китобхонларни яратилаётган бадиий, юксак савияга эга мукамал асарлардан хабардор қилиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб вазифасидир. Ана шундай ҳикоялар серқирра ижодкор Жамила Эргашева ижодида мавжуд бўлиб, уларни бугунги фан-техника шиддат билан ривожланаётган даврда ҳам адабиёт майдонида мавжуд эканлигини билдириш, асарнинг замон билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш, образлар олами билан танишиш ва бадииятини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

“Истиқлол даври миллий насримиз тараққиётининг муҳим тамойилларидан бири мафкура тазйиқидан қутулган ижодий жараёнда юзага келган эркинлаштириш натижасида мавзулар доирасининг кенгайганлиги ва халқимиз турмуш тарзини, уларнинг турфа хил руҳий-психологик кечинмаларини адабиётимиздаги мавжуд миллий анъаналар ва жаҳон адабиётидаги илғор тажрибалардан таъсирланиб, ўзига хос турли тасвир усулларида акс эттираётганлигидадир”⁵⁵

Жамила Эргашеванинг “Ўлим” ҳикоясида айна жиҳатларни яққол кўришимиз мумкин. Ушбу ҳикояда дастлаб ёзувчи мақсадини англаш қийин кечади. Ҳатто асар қаҳрамонларининг исми ҳам ошкор этилмайди. Буни албатта, ижодкорнинг ўзига хос услуби дейиш мумкин.

Асарда узоқ йиллар (бутун умр дейиш ҳам мумкин) “давлат ишида ишлаган” инсон ҳаёти тасвирланади. Гарчи “давлат иши” дейилса-да, айнан қандай иш эканлиги айтилмайди. Муҳими бу эмас. Балки ижодкор ўқувчисини чалғимаслиги учун асосий мақсад сари шу йўсинда етаклаб борар...

Асар давомида адиб қисмат, ўлим ҳақ эканлиги, инсон тақдирига ёзилганидан айро тушмаслиги, ажал келганида барча ишни ташлаб боқий дунёга кетишни ҳаётий мисолларда, самимий рангларда тасвирлаб беради.

Ушбу мўжазгина ҳикояда инсон қадр-қиммати, жамиятдаги ўзаро муносабатлар, макон-ва замон зиддиятлари ҳамда ўткан асрдаги мафкуравий тазйиқлар “яширин пардаларда” акс эттирилади. Ҳикоя қуйидагича бошланади:

⁵⁵ Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – Б. 178

Унинг ўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, унга қанча ачинган бўлсам, ўзимдан шунча хавотирландим:

«Ҳа, ўлим барҳақ! Ҳали ниҳоясига етмаган қанча ишларим бор!»⁵⁶

Ҳамкасбининг ўлимига ачинган муаллиф, ўзидан чуқур хавотирга тушади. Нега-ки, ҳамкасбининг ўлими уни ҳам ҳаётнинг асл моҳияти ҳақида ўйлашга мажбур этапти. Унинг ҳам қанчадан-қанча қиладиган ишлари ётибди. Лекин, ўлим кутиб турмайди. Сен ёш, сен кекса деб қараб турмайди. У сўраб ҳам ўтирмайди. «Биз келдик, кираверсак майлими, у ёқ-бу ёғингни тартибга солиб олганмисан, йўқми?» деб.

Қарангки, бутун умр тер тўкиб, меҳнат қилсада, умри ижара уйда яшаш билан ўтиб кетди. У давлат ишида ишласада, шахсий уй-жой қилишга имкони етмаганидек, машина олишнинг ҳам иложи йўқ! Аммо, унда умид бор эди. Узоқ йиллик меҳнати эвазига ишхонадаги чиқитга чиқиб, неча йиллардан бери ишламай, тўкилиб ётган машиналардан биронтасини арзон-гаровга берар, деб бошлиқнинг олдига кирди. Янги машина сўраса ҳам бўлардику. Лекин, бу ерда ижтимоий тенгсизлик нафаси “уфуриб тургандек”. Аслижда ҳам шундай. Бошлиқнинг мийиғида кулиб, «Сизга бермасак, кимга берамиз. Фақат шошмай туринг», дейиши унга жамиятдаги энг паст инсонга (аслида “паст-баланд” сўзларини инсониятга нисбатан ишлатиш тўғри бўлармикан?) қарагандек, гўё ҳеч кимдек муносабатни билдиради. Ҳатто, дилдан суҳбат қуриш учун ҳамкасби, яъни муаллифнинг ёнига кирганида ҳам унга етарлича эътибор берилмади. Ана шунда, тириклигида ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамайдиган, ҳатто одамлар орасида тириклиги ҳам сезилмаган бир инсоннинг вафот этганидан сўнг, майитини сўнгги манзилга кузатишдан олдин костюм-шимда, сочларини кузаб, азага келувчи “каттаконлар” олдида “уялтирамслик” учун қилинган хатти-ҳаракатлар кулгини қистайди. Йўқ, аслида шу ўринда кулиш эмас, ҳўнграб йиғлаган афзалроқ. Негаки, мафкуравий тазйиқлар ҳатто шу ўринда ҳам суқилиб киргани ғашингизни келтиради.

Мутолаа жараёнида эътибор берсангиз, майитни расмий либосда кийинтириб қўйиш то Баҳринисо келгунига қадар ҳеч кимнинг хаёлида йўқ эди. У яқин инсонининг азасида ҳам “каттаконлар”нинг чизган чизиғидан чиқмасликка уринди. Бир қарашдан у ҳам шунга мажбурдек туюлади. Лекин, муаллиф бунга бирор бир ишора қилмайди. Ҳикояни ўқиш асносида мана бу сатрлар ўқувчини бироз сергаклантиради:

“...Анчадан сўнг эшик очилиб, эркакларнинг бирови Баҳринисони имлаб чақирди. Унинг ранги қумдек оқариб кетган эди. Ғивир-шивир қилиб ўтирган бир уй хотин битта қулоққа айланиб, эркакнинг оғзига тикилишди...”⁵⁷

⁵⁶ Ўзбек насри онлайн антологияси //Жамила Эргашева// Ўлим (ҳикоя) //Ziyouz.uz 18.04.2012

⁵⁷ Ўша манба

Дастлаб ўқувчининг хаёлидан мурданинг бутун умр одамлардан яшириб келган бирор нуқсони бормикан? Ёки ичкарида кутилмаганда ғайритабиий бирор воқеа содир бўлдимикан? Балки... бу каби ўй-хаёллар ҳар бир китобхонда бўлиши табиий. Аммо, асар давомида бундай саросиманинг сабаби айтилган... яна ўша ҳолат: кулишни ҳам йиғлашни ҳам билмайсиз.

Эътибор берилса, мурдани қандай кўйга солишнинг аҳамияти йўқ. Муҳими “коттаконлар”га маъқул бўлса бўлди. Шу ўринда ўйлаб қоласан киши: ўлик ким? Худди ухлагандек, дунё ташвишларининг барисига қўл силтаб омонатини топширган, уй ўртасида узатиб қўйилганми ёки унинг атрофида расмиятчилик учун ҳар мақомга йўрғалайдиган, “коттакон”ларга ёқиш учун ўзини ва яқинларини ҳар кўйга соладиганларми. Балки ушбу даврдаги бутун бир жамият тирик мурдадир?

Жамиятда илдиз отган бу сингари иллатларни ўзига хос юмор билан очиб берган ижодкор Жамила Эргашеванинг услубий маҳоратини, унинг яна бир қиррасини ушбу мўжазгина ҳикояда кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ziyouz.uz. Ўзбек насри онлайн антологияси //Жамила Эргашева// Ўлим (ҳикоя) 18.04.2012
2. Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – Б. 178
Тел.: + 998 99 678 25 18 E-pochta: rushana.zaripova@mail.ru